



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСII КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 226 (11.287)

Баҳоси эркин нарҳда

2008 йил, 18 ноябрь, СЕШАНБА

XXI АСР
САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН
СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Нукусда соғлиқни сақлаш тизимини янада такомиллаштириш, соҳада олиб борилаётган ислохотларни чуқурлаштириш, даволаш муассасаларида замонавий технологияларни кенг қўллаш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашни янада яхшилаш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

● Термиз шаҳрида «Меҳнат миграцияси жараёнида иштирок этувчи аёлларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришни қўллаб-қувватлаш» мавзусига бағишланган семинар уюштирилди.

● Самарқандда ЮНИСЕФ халқаро ташкилоти, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Нодавлат электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳамкорлигида «Парранда гриппи аҳоли ўртасида тарқалишининг олдини олишда оммавий ахборот воситаларининг роли» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

● Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Сурхондарё вилоят кенгаши томонидан ташкиллаштирилган «Ўзбекистон, сени куйлайман» санъат фестивали ўтказилди. Унда фестивалнинг туман босқичларида голиб чиққан 70 нафар истеъдод эгалари асосан ўзбек мумтоз санъатининг мақом ва яқка созандачилик йўналиши бўйича маҳоратларини намойиш этишди.

● Шаҳрихон туманилик ака-укалар Қобилжон, Комилжон ва Ойбек Отахоновлар Андижон — Қўқон автомагистралда «Шукрона» маданий-маиший ва савдо мажмуасини бунёд этдилар. Ундан ёшлар маркази, чойхона, ошхона, новвойхона ва дам олиш заллари ўрин олган. Тез орада тадбиркор ака-укалар Шаҳрихонда, болалар спорт-соғломлаштириш мажмуасини барпо этадилар.

● Қашқадарё вилояти Китоб туманидаги 20-умумтаълим мактабда «Бир болага етти қўшни ота-она» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

● Германиянинг мамлакатимиздаги элчихонаси, Тошкентдаги Гёте институти ҳамкорлигида, бир неча вазирликлар ва идораларнинг қўллаб-қувватлаши остида уюштирилган Ўзбекистонда немис маданияти ҳафталиги низоҳасига етди.

● Ўзбекистон Бадий академияси қошидаги Халқаро маданият карвонсаройида ёш мутахассислар учун археология фани бўйича маҳорат дарслари ташкил этилди.

● Сирдарё вилояти Гулистон туманидаги Ҳамид Олимжон номли фермер хўжаликлари уюшмаси аҳолиси эндиликда сифатли алоқа хизматидан баҳраманд бўла бошлади. Бу ерда «Коинот» ишлаб чиқариш корхонасида тайёрланган замонавий рақамли телефон станцияси ишга туширилди. Бу эса турли хорижий мамлакатлар билан алоқа боғлаш имкониятини беради.

ЖАҲОНДА

● Вашингтонда бир неча кун давом этган «катта йигирматалик» давлатлари йиғилиши якунланди. Саммитда муҳокама этилган асосий мавзу — жаҳон иқтисодий инқирози натижаларини бартараф этиш юзасидан асосий йўналишлар аниқлаш олинди. Шунингдек, саммитда 1944 йилда қабул қилинган халқаро иқтисодий муносабатларнинг Бреттон-Вуд системаси, яъни Халқаро валюта фонди ва жаҳон банки каби ташкилотларни тубдан ислоҳ қилиш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

● Бугун Россия ва Украина давлатлари ўртасида газ етказиб бериш бўйича музокараларнинг навбатдаги босқичи бўлиб ўтди.

● Сомали маъмурияти денгиз қароқчиларига қарши курашни кучайтириш мақсадида мамлакат киргоқларига Европа Иттифоқи харбий кемаларини қиришига рухсат берди.

● АКШнинг Калифорния штати губернатори Арнольд Шварценеггер штатда фавкулда ҳолат эълон қилди. Зеро, бир неча кундан буён жиловлаб бўлмайдиган даражада давом этаётган ёнғин натижасида Жанубий Калифорнияда 6,2 минг гектар ўрмон майдони, 500 дан ортиқ хонадон куйиб қол бўлди, 50 минг аҳоли хавфсиз жойларга кўчирилди.

● Ҳиндистоннинг Кашмир штатида қурилиши деярли тугалланган кўприкнинг кулаб тушиши оқибатида бир киши ҳаётдан кўз юмган, 20 дан ортиқ қурувчининг тақдирини номаълумлигича қолмоқда. Айни пайтда ҳудудда кидирув-қутқарув ишлари олиб борилаётган. Ушбу ишга Покистон ҳарбийлари ҳам жалб этилган. Ҳозирча ҳалокат сабаблари аниқ эмас.

● Россия Германияга иккинчи жаҳон урушидан кейин олиб кетилган XIV асрга мансуб беаҳо черков витражларини қайтарди.

● Индонезияда Рихтер шкаласи бўйича 7,7 балли кучли zilзила содир бўлди. Табиий офат маркази Сулавеси денгизининг ўн километрлик тубида қайд этилган бўлиб дастлабки маълумотларга кўра ер силкиниши оқибатида икки киши ҳалок бўлган, 25 киши турли даражадаги тан жароҳатларини олган. Юзлаб уйлар вайронага айланган.

● Кеча Африка қитъасининг шарқий қирғоғида Сомали денгиз қароқчилари Саудия Арабистонига тегишли бўлган, 2 миллион баррел нефтни олиб кетаётган экипаж аъзолари 25 кишидан иборат йирик супертанкерни қўлга олишди.

ЎЗБЕКИСТОН — МАЛАЙЗИЯ: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ САҲИФАСИ

АВВАЛ ХАБАР ҚИЛИНГАНДЕК, МАЛАЙЗИЯ БОШ ВАЗИРИ АБДУЛЛА БИН ҲОЖИ АҲМАД БАДАВИЙ 16 НОЯБРЬ КУНИ РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН МАМЛАКАТИМИЗГА КЕЛДИ.

Малайзия — Ўзбекистоннинг Жануби-Шарқий Осиёдаги ишончли шерикларидан. Мамлакатларимиз ўртасида ўхшаш жиҳатлар кўп. Аввало, Малайзия халқининг ўзбеклар каби меҳмондўстлиги, табиатга алоҳида меҳри ва меҳнатқашлигини таъкидлаш жоиз.

Мустақиллик йилларида халқимиз саноатнинг янгидан-янги, мураккаб технологияли соҳаларини ўзлаштириш, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва кенгайтириш йўлида олган муваффақиятларга эришмоқда. Бунга автомобилсозлик, тўқимачилик, маиший электроника соҳаларидаги ютуқларимиз яхши мисол бўла олади. Нефть-газ, пальма ёғи ва қалайи захираларига бой Малайзия ҳам ўз даврида «хомашё базаси» бўлган. Бугун у жадал тараққий этаётган мамлакатдир.

Ўзбекистон — Малайзия ҳамкорлиги савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш борасидаги ўзаро манфаатдорликка асосланади. Айни пайтда ушбу мамлакат билан муносабатларни ривожлантириш нафақат икки томонлама, балки кўп томонлама алоқалар қўламини кенгайтиришга хизмат қилади. Малайзия — Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари уюшмасининг (АСЕАН) етакчи аъзоларидан. Бу Ўзбекистон учун Жануби-Шарқий Осиё минтақаси билан муносабатларни ривожлантиришда муҳим омилдир. Айни пайтда Малайзия Ислом конференцияси ташкилотининг (ИКТ) энг фаол ва нуфузли аъзоларидан. Мамлакатларимиз ушбу ташкилот доирасидаги ҳамкорлик орқали ислом дунёси давлатлари билан алоқалар қўламини кенгайтиришнинг янги имкониятларини очиб бериши мумкин. ISESCO томонидан Тошкентнинг 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилинган Малайзияда катта мамнуният билан қабул қилинганини, шу муносабат билан юртимизда ўтказилган йирик халқаро анжуманларда Малайзиядан нуфузли делегациялар қатнашганини таъкидлаш жоиз.

Мамлакатларимиз халқаро майдонда бир-бирини қўллаб-қувватлаб, ташаббусларини ёқлаб келади. Ўзбекистон БМТ ҳузуридаги тузилмаларга аъзолик борасида кўп мартаба Малайзиянинг номзодини ёқлаган: 1997 йили — ЭКОСОСга, 1998 йили — Хавфсизлик кенгашининг номдодий аъзоллигига, 1997, 2001 ва 2005 йиллари — Югославия бўйича халқаро трибуналга, 2003 йили — Руанда бўйича халқаро трибуналга, 2004 йили — Хотин-қизларга нисбатан барча камситиларга барҳам бериш қўмитасига, 2008 йили — «Кодекс Алиментарийус» комиссияси раислигига. Ўзбекистон 2007 йилда Малайзиянинг Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти Ижроия кенгаши аъзолигига номзодини ёқлади. Малайзия Ўзбекистон раҳбарининг Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этиш, Марказий Осиё умумий бозорини ташкил қилиш борасидаги ташаббусларини қўллаб-қувватлайди, 2006 йили мамлакатимизнинг Осиёда ҳамкорлик бўйича мулоқотга аъзолигини ёқлади.

Ўзбекистон билан Малайзия ўртасида олий даражадаги ташрифлар мунтазамлик касб этгани икки мамлакатнинг ўзаро ҳамкорлигини ривожлантиришдан манфаатдор эканидан далолатлардир. Бунинг тасдиғи учун сўнгги йилларда бўлиб ўтган саммитларни таъкидлаш kifов. 2003 йили Малайзия Кирило Туанку Саййид Сирожуддин Жамалуллайл зоти олийлари Ўзбекистонга келган бўлса, 2005 йили Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Малайзияга ташриф буюрди. Малайзия Бош вазири Абдулла Бадавийнинг Ўзбекистонга ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳурмат ва ишончга, икки томонлама манфаатдорликка асосланган ана шу муносабатларни янада ривожлантириш, янги мазмун билан бойитиш йўлидаги яна бир қадамдир.

Ташрифнинг асосий воқеалари 17 ноябрь куни бўлиб ўтди. Дўрмон қароргоҳида олий мартабали меҳмонни қутиб олиш маросими бўлди. Малайзия Бош вазири шарафига фахрий қоровул саф тортиди. Ислом Каримов ва Абдулла Бадавий шохпўшақа кўтарилдилар. Ўзбекистон ва Малайзиянинг давлат маҳиялари янгради. Ислом Каримов ва Абдулла Бадавий фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Шундан сўнг Ўзбекистон Президенти ва Малайзия Бош вазирининг яккама-якка суҳбати бошланди. Унда икки томонлама сиёсий муносабатларни янада ривожлантириш, савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш масалалари, томонларни қизиқтирган долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилди. Ўзаро алоқаларни сифат жиҳатдан янги поғонага кўтариш билан боғлиқ ҳамда халқаро аҳамиятга молик қатор масалаларда Ўзбекистон ва Малайзиянинг қарашлари ўхшаш ёки яқин эканлиги қайд этилди.

Ислом Каримов ва Абдулла Бадавий АСЕАН ва ИКТ доирасидаги ҳамкорлик масалаларини ҳам муҳокама қилдилар. АСЕАН доирасидаги алоқалар юқори технологияларни ўзлаштириш, Ўзбекистон маҳсулотларини Жануби-Шарқий Осиё бозорларига олиб чиқиш ва ушбу минтақадан мамлакатимизга сармоа жалб қилишда муҳим аҳамият касб этади. Айни пайтда халқаро терроризм, диний экстремизм таҳдиди тобора ошаётган ҳозирги вақтда ИКТ доирасидаги ҳамкорлик ҳам жуда долзарбдир.

Афғонистондаги вазият юзасидан фикр алмашилди. Ўзбекистон ва Малайзиянинг бу муаммога ёндашуви ўхшаш. Икки мамлакат ҳам Афғонистонда тинчлик ўрнатиш учун кенг қўламли ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш, иқтисодийни оёққа турғазини, аҳолини иш билан таъминлаш масалаларига устувор аҳамият бериш зарурлигини таъкидлайди.

Ислом Каримов ва Абдулла Бадавийнинг Ўзбекистон ва Малайзия расмий делегациялари иштирокида ўтган кенгайтирилган тартибдаги музокарасида мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликни кенгайтиришга оид масалалар муҳокама қилинди.

Жорий йилнинг август ойида Куала-Лумпурда ташкил этилган маҳкамаларининг маслаҳатлашуви доирасида Ўзбекистоннинг савдо-иқтисодий ва сармоаявий салоҳиятига оид тақдирот ҳамда бизнес-форум бўлиб ўтди. Бундай анжуманлар ишбилармонлар ўртасидаги бевосита алоқаларни ривожлантиришга, бир-бирининг имкониятлари ҳақидаги ахборот ва маълумот қўламини кенгайтиришга хизмат қилади. Шундай сайёҳаракатларнинг самараси турфайли сўнгги йилларда Ўзбекистон билан Малайзия ўртасида товар айирбошлаш ҳажми муттасил ўсиб бормоқда. Лекин бу Ўзбекистон ва Малайзия ҳамкорлигининг барча имкониятларидан тўлиқ фойдаланаётганини аниқламайди. Ўзбекистоннинг экспорти асосан транспорт ва сайёҳлик хизматидан иборат. Малайзиядан эса электрон ускуналар, пальма ёғи, каучук ва резина буюмлар келтирилади. Аслида эса икки мамлакатда ҳам бу рўйхатни анча кенгайтириш имконияти мавжуд.

(Давоми 2-бетда).

ПОЙТАХТНИНГ БИР КҮНИ

Янгиликлар, воқеалар

ЮРТИМИЗДА ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ИСЛОМ КАРИМОВ РАҲНАМОЛИГИДА ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТНИ САҚЛАШ ВА ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛ ВА ВОСИТАЛАРИН ДАВЛАТ ФЕЙДАЛАНГАН ҲОЛДА ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ ВА ФУҚАРОЛАР ОСОЙИШТАЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ САМАРАЛИ ТИЗИМИ ЯРАТИЛГАН. БУ ЖАРАЁНДА ТИЗИМ ШАХСИЙ ТАРКИБИНИ ЮКСАК МАЛАКАЛИ, ПРОФЕССИОНАЛ КАДРЛАР БИЛАН МУСТАҲҚАМЛАШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА.

ОСОЙИШТАЛИКНИНГ НАВҚИРОН ПОСБОНЛАРИ

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар ва зирлиги академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш олий курсида хар жиҳатдан чиниққан, юртимиз тинчлиги, фуқароларимиз осойишталигини таъминлашга қодир, малакали ходимлар тайёрланмоқда.

Олий курсда курсантларнинг назарий билими билан бир қаторда амалий кўникмаларини мустаҳкамлашга ҳам алоҳида аҳамият берилди. Замонавий компьютер ва лингафон, жанговар-тактик машғулотларни ўргатиш, спорт машқури олиб бориш хоналари улар ихтиёрида. Бунда ўқитишнинг самарали усуллари, мультимедиа ва замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланилмоқда.

Мазкур курснинг навбатдаги битирувчиларига диплом ва кичик сержант унвонларини топшириш маросими бўлиб



ўтди. Унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, битирувчиларнинг ота-оналари қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б.Матлюбов Президентимиз Ислом Каримов раҳ-

барлигида юртимизда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашнинг муҳим бўлини бўлган ички ишлар идоралари тизимини ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар ўзининг юксак самараларини бераётганини таъкидлади.

— Юртимизда ёшлар камолоти йўлида курсантилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик бизни шижоат билан ўқиш ва меҳнат қилишга ундайди, — дейди Сержантлар таркибини тайёрлаш олий курси битирувчиси Манзура Турдибекова. — Шу боис биз эл-юртимиз тинчлиги ва осойишталигини асраб-авайлаш, юрдошларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишдек масъулиятли вазифани адо этиш йўлида бутун куч-ғайратимизни аяммаймиз.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири

Кечка сатрларда

● **БУГУН** Марказий офицерлар уйда Республика Маънавият тартибот марказининг Юнусобод туман бўлими ташаббуси билан уюштирилган тадбир «Байроғимиз — фахримиз» деб номланди.

● **КЕЧА** Шайхонхур туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитаси, Маънавият тартибот марказининг туман бўлими ҳамкор-

ликларидан Тошкент метрополитенида уюштирилган маънавий-маърифий тадбир «Инсон ҳуқуқлари — муқаддас» деб номланди.

● **БУГУН** Ҳамза туманидаги 161-мактабда туман халқ таълими бўлими, туман маданият ва спорт ишлари бўлими, «Камолот» ЁИХ туман бўлими Кенгаши ҳамкорликларида Ўзбекистон Республикаси байроғи қабул қилинган куннинг 17 йиллигига бағишлаб «Ватан тимсоллари улғудир» мавзусида ўтказилган тад-

бирда мактаб ўқувчилари, ўқитувчилари иштирок этишди.

● **РЕСПУБЛИКА** Адлия вазирлиги қошидаги юристлар малакасини ошириш маркази ташаббуси билан ҳуқуқшунослар иштирокида уюштирилган тадбир «Суд-ҳуқуқ ислохотлари — фуқаролар эркинлиги манбаини таъминлаш» деб номланди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

18 ноябрь — Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинган кун

ФАХРИМИЗ ВА ФУРУРИМИЗ

ҲАР ҚАНДАЙ МУСТАҚИЛ ДАВЛАТ СИНГАРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲАМ ЎЗ ОЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ТОМОНИДАН БЕЛИГЛАНГАН ВА АСОСИЙ ҚОНУНДА МУСТАҲҚАМЛАНГАН ДАВЛАТ РАМЗЛАРИ — БАЙРОҒИ, ГЕРБИ ВА МАДҲИЯСИГА ЭГА. ДАВЛАТ РАМЗЛАРИНИНГ МАВЖУДЛИГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ АМАЛДА МУСТАҚИЛЛИГИ ВА ЭРКИНЛИгини ЯҚҚОЛ ТАСДИҚЛАЙДИ.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг рамзлари муқаддас бўлиб, уларни ҳар қандай йўл билан таҳқирлаш қонун билан жавобгарликка тортилди.

Давлат рамзлари ҳақида гапирар эканмиз, аввало уларнинг моҳияти, нима учун зарурлиги ва тарихий келиб чиқиши ҳақида ҳам билиб олиш керак. Шундагина уларнинг давлат ҳаётида тутган ўрни ва аҳамияти тушунарли бўлади.

(Давоми 2-бетда).

Фармон ва ижро

ҚУЛАЙ ВА ИШОНЧЛИ ҲАМКОР

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИДАГИ ЎРНИ, ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТДАГИ УЛУШИ ЙИЛ САЙИН ОРТИБ БОРМОҚДА.

Жорий йилнинг тўққиз ойида унинг ялпи ички маҳсулотдаги ҳиссаси ўтган йилнинг шу давридаги 43,1 фоиз ўрнига 45,3 фоизгача ошгани шундан далолатдир. Аҳоли учун ҳаётий зарур маҳсулотларни ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш, ички бозорни истеъмол товарлари билан тўлдириш ҳамда янги иш ўринлари яратишда тадбиркорлик субъектлари алоҳида аҳамият касб этмоқда. Мазкур соҳа вакилларига молиявий қўмак беришда «микроредитбанк» фаол иш олиб бормоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг жорий йилнинг 10 ноябрида қабул қилинган «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкнинг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони тадбиркор ва ишбилармонларга бу борада қўмақлашиб келаётган мазкур банк фаолиятининг янада кенгайтиришда муҳим омил бўлаётди.

(Давоми 3-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН — МАЛАЙЗИЯ: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ САҲИФАСИ

(Давоми.Боши 1-бетда).

Сармоявий соҳадаги ҳамкорлик фаол ривожланмоқда. Президент Ислам Каримовнинг 2005 йилдаги Малайзияга давлат ташифи асосида нефть-газ конларини ўрганиш ва ўзлаштиришда ҳамда тўқимачилик, мебелсозлик ва электротехника соҳаларида янги қўшма корхоналар ташкил этишда сармоявий ҳамкорликни янги босқичга кўтаришга хизмат қиладиган келишувларга эришилган эди. Айни пайтда мамлакатимизда Малайзия сармоядорлари иштирокида тузилган 22 корхона фаолият қилимоқда. Улар нефть-газ («UzMalOil», «Petronas Carigali Operating Company»), тўқимачилик («Малика Тилэвэй», «Зобит», «Фикентекс»), мебелсозлик («Файз Минт Плаза»), электротехника («Алгоритм-Малайзия»), молия хизмати кўрсатиши («UzbekLeasing International») соҳаларида фаолият юрғатади.

Сармоявий соҳада Малайзиянинг «Petronas» корпорацияси билан ҳамкорликда қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Орол денгизининг ўзбекистонга қарашли ҳудудидида, Устурт платоси ва Сурхондарёдаги сармоявий блокларда геологик тадқиқотлар олиб борилмоқда, янги конлар очилмоқда, тозаланган метандан синтетик суюқ ёқилги ишлаб чиқарадиган завод қурилиши бўйича лойиҳанинг техник-иқтисодий асослари ишлаб чиқилмоқда. Умуман, «Petronas»нинг Ўзбекистонга киритадиган сармояси ҳажми қарийб 2 миллиард АҚШ долларига етиши кутилмоқда.

Музокарада савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, хусусан, товар айирбошлаш ҳажмини ошириш ва қўшма корхоналарни қўйиштириш масалалари муҳокама қилинди. Икки мамлакат иш одамларининг банк-молия, транспорт, сайёҳлик, ахборот технологиялари, маъийн электроника, кимё, озиқ-овқат саноати, кишлоқ ҳўжалиги каби соҳалардаги бевосита ҳамкорлигини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чора-тадбирлари юзасидан фикр алмашилди.

Ислам Каримов Малайзия томонига транспорт коммуникациялари соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида Навоий аэропорти негизда барпо этилган халқаро логистика марказидан фойдаланишни таклиф этди. Бу Малайзия учун Марказий Осиё давлатлари бозорларига йўл очган бўлур эди. Абдулла Бадавий бу таклифни қўллаб-қувватлаб, ўз наватидида Малайзия Ўзбекистон учун Жануби-Шарқий Осиё бозорларига кўпирк вазифини ўташга тайёр эканини таъкидлади.

Музокарада кишлоқ ҳўжалиги соҳасида Малайзиянинг илгор биотехнологияларидан фойдаланиш, кишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашда ҳамкорлик масалалари юзасидан фикр алмашилди. Ўзбекистонда Малайзиянинг электроника жиҳозлари ва ахборот-коммуникация техникаси ишлаб чиқарадиган йирик компаниялари филиалларини очиб имкониятлари кўриб чиқилди.

Томонлар гуманитар ҳамкорликка ҳам эътибор қаратдилар. Айни пайтда кадрлар малакасини ошириш борасида фаол ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ҳозиргача Ўзбекистонлик уч юздан зиёд мутахассис Малайзиянинг техникавий ҳамкорлик дастури доирасида турли курслар ва семинарларда иштирок этди.

2006 йили Малайзия Олий таълим вазири делегациясининг Ўзбекистонга ташифи чоғида олий таълим соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳўкуматларо меморандум имзоланди. Узаро англашув меморандумларига мувофиқ, «Истеъдод» жамғармаси билан Малайзия очик университети, Тошкент ахборот технологиялари университети билан Малайзия мультимедиа университети ўртасида бевосита ҳамкорлик йўлга қўйилди. Бундан ташқари, миллий кутубхоналар, академик доиралар, қатор илмий-тадқиқот муассасалари ўртасида ўзаро алоқа ўрнатилди.

Маънавий-маънавий яқинлик ва ривожланган сайёҳлик инфратузилмаси Ўзбекистондан Малайзияга, Малайзиядан Ўзбекистонга сайёҳлар оқими кўпайтиришда муҳим омил бўлади.

Музокара якунида Ўзбекистон Республикаси ҳўкумати билан Малайзия ҳўкумати ўртасида қўшма баёнот қабул қилинди. Мамлакатларимиз ўртасида олий таълим соҳасида ҳамкорлик ҳамда илмий ва технологик ҳамкорлик тўғрисидаги ҳўкуматларо англашув меморандуми имзоланди.

думлари, «Ўзбекнефтьгаз» миллий холдинг компанияси билан «Petronas Carigali» компанияси ўртасида нефть-газ соҳаси учун кадрлар тайёрлашда ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум, «Ўзбекнефтьгаз» ва «Petronas Carigali Overseas» компаниялари ўртасида тузилган Сурхон сармоя блокида геологик-разведка ишларини амалга ошириш бўйича битимнинг кучга кириши тўғрисидаги протокол имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Ислам Каримов ва Абдулла Бадавий музокарада ўзаро ҳамкорликнинг янги саҳифаларини очишни, эришилган келишувлар ва имзоланган ҳўжатлар Ўзбекистон ва Малайзия халқларининг манфаатларига хизмат қилишини таъкидладилар.

— Малайзия Бош вазирининг Ўзбекистонга расмий ташифи икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга хизмат қилиши ва ҳамкорликка янги суръат бахш этиши шўбҳасиздир, — деди Ислам Каримов. — Мамлакатларимиз халқларини муштарак аънава ва қадриятлар бирлаштириб туради. Музокарада икки томонлама муносабатларга доир масалалар, минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан атрафлича фикр алмашилди.

— Ўзбекистонга таширфимиздан қўзланган мақсад ўзаро муносабатларни ривожлантириш, бизнес вакилларининг тўғридан-тўғри алоқаларини рағбатлантиришдан иборат, — деди Абдулла Бадавий. — Узаро товар айирбошлаш ҳажми муттасил ошиб бормоқда, сармоявий ҳамкорлигимиз ривожланмоқда. Лекин ҳамкорлик учун хали кенг фаолият майдони мавжуд. Минерал ресурсларни, энергия манбаларини ўрганиш ва ўзлаштириш, сайёҳлик каби соҳаларда ҳамкорлик суръатини ошириш тарафдоримиз.

Шу кунги Малайзия Бош вазири Абдулла Бадавий Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев хамроҳлигида Мустақиллик майдонига таширф буюриб, хурриятимиз, порлок истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди.

«Интерконтиненталь» меҳмонхонасида «Petronas» корпорациясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Малайзия ўртасида иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни ривожлантиришда ушбу корпорация алоҳида ўрин тутиши таъкидланди. «Petronas» ва Ўзбекистон компаниялари ҳамкорлигида янги қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

1974 йил ташкил этилган мазкур йирик трансмилий корпорация ҳозир 30 мамлакатда фаолият юрғатади. Дунёдаги энг қудратли 500 корпорация саҳида турувчи «Petronas»нинг фаолият доираси жуда кенг. Булар нефть ва газ конларини ўрганиш ва ўзлаштириш, нефть ва газни қайта ишлаш, нефть маҳсулотлари ва суолтирилган газ савдоси, маркетинг тадқиқотлари ўтказиш билан боғлиқ кўплаб тадбирлардир.

Абдулла Бадавий «Абулқосимхон» мадрасасига таширф буюриб, халқ хўнармандлари буюмлари кўргазмасини кўздан кечирди.

Олий мартабали меҳмон пойтахтимизда Президент Ислам Каримов ташаббуси билан қайта қад ростлаган Ҳазрати Имом (Ҳастимом) мажмуини зиёрат қилди. Олий мартабали меҳмон Ҳазрати Имом жомеъ масҳиди билан танишиди, Мўйи муборак мадрасасида бўлди, бу ерда сакланаётган муқаддас Куръоннинг энг нодир қўлёзмасини — Усмон Муҳаффини кўздан кечирди.

Малайзия Бош вазири ушбу мажмуадан катта таассурот олганини таъкидлаб, Ўзбекистонда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида ажодлар меросини тиклаш, асраб-авайлаш ва бойитишга алоҳида эътибор қаратилаётганини, улуг аллома ва азиз авлиёларнинг муқаддас қадимжоларини таъмирлаш ва ободонлаштириш, бой илмий-маданий меросини чуқур ўрганиш, айниқса, ёшлар онг-шўурига сингдириш борасида улкан ишлар амалга оширилаётганини алоҳида қайд этди.

Малайзия Бош вазири Абдулла Бадавийнинг Ўзбекистон Республикасига расмий таширфи давом этмоқда.

Анвар БОБОЕВ,
Ўза мухбири

18 ноябрь — Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинган кун



ФАҲРИМИЗ ВА ҒУРУРИМИЗ

(Давоми.Боши 1-бетда).

Давлат байроғи — бу тасвири қонун томонидан (қўлини Конституция билан) ўрнатиладиган, бирор давлатни бошқа давлатлардан фарқловчи расмий белгиси, нишонидир. У давлат мустақиллиги, суверенитети рамзи ҳисобланади. Давлат байроқлари, уларнинг ранги, тузилиши ва эмблемалари Ўзбекистоннинг давлат байроғи (бинининг олд томонига қараб турганда) ўнг томондан, бошқа давлатнинг байроғи чап томондан кўтарилмоғи керак.

Давлат байроқлари давлат муассасалари, элчиқоналар, консулликлар, миссиялар, божхоналар ва шу каби идораларнинг биносида кўтарилади. Элчиқоналар, миссиялар, консулликлар миллий байрамлари кунини ўз мамлакатларининг байроқларини осиб қўядилар. Давлат байроқлари, шунингдек халқаро конференциялар очилишида, расмий маросим-учрашувлар вақтида, халқаро спорт соҳибдорлари берилётган вақтда ва ҳокзо ҳолатларда ҳам кўтарилади.

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи 1991 йил 18 ноябрда Олий Кенгаш томонидан қабул қилинган қонун билан тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи муқаддас ва дахлсиздир, у давлатимиз мустақиллигининг рамзий белгисидир. Қонунда кўрсатилганидек, байроғимиз халқаро майдонда Ўзбекистон Республикасининг делегацияларининг хорижий мамлакатларга сафари чоғида, халқаро ташкилотларда, конференцияларда, жаҳон кўргазмаларида, спорт муسابакаларида кўтарилиб, юртимизни улуғлайди. Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисидаги Қонунда байроқ кўтариладиган жойлар ва унинг кўтарилиш вақтлари эътибор қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи халқаро майдонда: Ўзбекистон Республикаси расмий делегацияларининг хорижий мамлакатларга сафарлари чоғида, халқаро ташкилотларда, конференцияларда, жаҳон кўргазмаларида, спорт муسابакаларида Ўзбекистон Республика-

Ҳайдарали МУҲАМЕДОВ,
Тошкент Давлат юридик институту доценти.

ВАТАНИМ БАЙРОҒИ

Ватаним байроғи шонимдир менинг,
Байроғим-нишоним, орымдир менинг,
Бахтимнинг қароғи, хурлик рамзидир,
Ғалабам, фахримдир, зоримдир менинг.
Бу байроқ юзида ҳолимдир менинг,
Улуг аждодларим жонидир менинг,
Истиқлол орузи қалбим ёритган,
Шаҳид бўлаётганларим қонидир менинг.
Бу байроқ юзида покликим менинг,
Қалбимиз оқлиги, софлигим менинг,
Осмоним қўйида кўм-кўк ғламдек,
Яшнаган даламиз — шу борим менинг.
Байроғим қошида ҳилолим менинг,
Мехр-ла боқайди зилолим менинг,
Ун икки юлдуз ҳам атрофда мисол
Мехрини бўлишар ҳилолим менинг.
Байроғим жонимдир, шонимдир менинг,
Имоним, боримдир, орымдир менинг,
Бошим узра ҳар дам юксак кўтарган
Ватаним фахридир, боримдир менинг.
Ҳамиджон ТОХИРҶОНОВ

Иқтисодиёт ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯ АСОСИДА

ПОЙТАХТИМИЗДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ КИРИТИШ АСОСИДА ФАОЛИЯТ КўРСАТАЁТГАН КўПЛАБ КОРХОНАЛАРДА ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ИЗЛАНИШЛАРИ САМАРА БЕРИБ, МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁДАН ТАЙЁРЛАНАЁТГАН ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРГА ЖАВОБ БERAДИГАН МАҲСУЛОТЛАР ЖАҲОН БОЗОРИГА ЧИҚАРИЛМОҚДА.

Туркияда фаолият кўрсатаётган «Sedat Trico» тўқимачилик фабрикасининг шахримизда ташкил этилган корхонаси ҳам ана шундай жамоалар сирасига кириб, бу ерда йилдан йилга инвестицияларни киритган ҳолда ишлаб чиқариши ҳажми, маҳсулот сифати ва турлари орттишига эришилмоқда.

Мазкур корхона таъсисчиларнинг киритган 150 миң доллар инвестициялари натижасида 2006 йилда иш бошланган ва цехлар сифатли маҳсулотлар тайёрлашга ихтисослашган тўқув ҳамда тикув дастгоҳлари билан жиҳозланган эди. Тайёрланган маҳсулотларнинг 60 фоизи хорижий давлатларга экспорт қилинади. Шунингдек, корхонада замонавий технологиялар асосида тайёрланаётган трикотаж матолари маҳаллий ишлаб чиқарувчиларимизга ҳам рақобатбардош товарлар ишлаб чиқаришида ниятда қўл келмоқда.

Ишлаб чиқаришни ривожлантириш, тайёрланаётган маҳсулот ҳажмини буюртмачилар талабига кўра оширишни кўзда тутиган тадбиркорлар янада ташки бозорни ўрганиб, товарлари турларини иккида оширишни мақсад қилишди. Шу боис ҳам яна бир янги корпус сотиб олиб, устув фондларини 2 миллион 64 миң АҚШ долларига оширишга муваффақ бўлишди. Қўшимча ишчи ўринлари ҳам яратилди. Бугунги кунда корхона йилга 1 миллион килограмм маҳсулот тайёрлаш қувватига эга бўлиб, цехларга янада замонавий тўқимачилик ва тикув дастгоҳлари ўрнатилди. Тадбиркорлар эндиликда экспорт ҳажмини ҳам оширишни кўзда тутишмоқда.

Цехларда меҳнат қилаётган кадрлар малакасини оширишга қаратилган эътибор маҳсулотлар сифатини таъминламоқда. Айни пайтда корхонада тайёрланаётган трикотаж матолар ва кийим-кечаклар учун ишлаб чиқарилаётган аксессуарлар Туркия, Қирғизистон сингари давлатларга экспорт қилинаётган бўлса, эндиликда уларнинг сафлари янада кенгайтириш режаланмоқда.

ИШЧИ ЎРИНЛАРИ ОРТАДИ

«НИГ» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНИКА ВА ИЛГОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚўЛЛАГАН ҲОЛДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН СИФАТЛИ ВА БОЗОРБОП МАҲСУЛОТЛАР ҲАМДА КўРСАТИЛАЁТГАН ХИЗМАТЛАР БУГУНГИ КУН ТАЛАБИ ДАРАЖАСИДА ЭКАНЛИГИ БИЛАН ЭЪТИБОРЛИДИР.

Жамият тадбиркорлари бозорни тинмай ўрганиб бораётганлиги боис ҳам йилдан йилга янги йўналишлардаги фаолиятларини ривожлантириб бормоқда. Улар талаб ва таклифлардан келиб чиқиб меҳнат қилишди. Айниқса, корхонада ёшларни, хотин-қизларни иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Масалан, Россиянинг дастгоҳлари билан жиҳозланган қандолатчилик цехида 14 турдаги шириндан шаклар маҳсулотлар тайёрланса, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш цехида тайёрланаётган пишган гишт бунёдкорларга қўл келмоқда. Улар қадимий обидаларни тиклаш учун гишт маҳсулотлари ҳам тайёрлашмоқда. Шунингдек, ушбу қурилиш ашёсига қўшни Афғонистон, Тожикистон давлатларидан ҳам буюртмалар тушмоқда. Шу боис ҳозирда экспортни йўлга қўйишга саъй-ҳаракат қилинмоқда.

— Корхонамизда 500 нафардан зиёд ишчи-ҳизматчи иш билан таъминланган, — деди корхона раҳбари Раҳматулла Саидов. — Жорий йил охиригача яна қўшимча ишчи ўринлари яратишни режаланганми. Бунинг учун тикув ва қандолат цехларимизни янги ускуналар билан жиҳозлаб, маҳсулот турларини ҳам кўпайтирдим. Айниқса, Ешлар йилда йигит-қизларимизга хўнар ўргатишга, иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратамиз.

Тадбиркорлар, айниқса, маҳсулотлар сифати ва рақобатбардошлигини таъминлаб, бозорда мўжиз ўрин топишга, мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига ўз ҳиссасини қўшишга интилишмоқда. Бу борада уларга юртимизда тадбиркорлар учун яратилган имконият ва шарт-шароитлар, қўллаб-қувватлаш ҳамда имтиёзлар қўл келмоқда.

Шарофат БАҲРОМОВА

ИСТИҚБОЛДАГИ РЕЖАЛАР

МАРКАЗИЙ «GRAND BALL ROOM» МЕҲМОҲОНАСИДА РЕСПУБЛИКА САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ ВА ЭРОН ИСЛОМ РЕСПУБЛИКАСИ ИШБИЛАРМОН ДОИРА ВАКИЛЛАРИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎРТАСИДА КЕЛГУСИДА ИККИ ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИК ЮЗАСИДАН УЧРАШУВ БўЛИБ ЎТДИ.

Учрашувда кимё, металлургия, кишлоқ ҳўжалиги, тўқимачилик ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган бир неча йирик Эрон компанияларини иштирок этди.

Хисоб-китобларга кўра, ҳар икки давлат ўртасидаги ташқи савдо кўрсаткичлари ўтган йилга нисбатан 7,1 фоизга ошиб 384,8 миллион долларни ташкил қилганлигини, шундан, экспорт ҳажми 36,5 ва импорт 19,8 миллион долларни кўрсатади. Шунингдек, бугунги кунда республикамизда халқ истеъмолчи моллари, тўқимачилик, кишлоқ ҳўжалиги, гилам ва бошқа турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган 117 та қўшма корхоналар фаолият юрғатаётган бўлиб, улардан 24 таси 100 фоиз Эрон маблағлари ҳисобига тўри келади.

Учрашувда Эрон тадбиркорлари келгусидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш, Ўзбекистон бозорига маҳсулотларини кўпайтириш режасида эканликларини алоҳида таъкидлашди. Бу борада учрашув доирасида Савдо-саноат палатаси томонидан Ўзбекистон — Эрон ўртасидаги ҳамкорликнинг жорий ҳолати муҳокама ва томонларнинг мавжуд имкониятлари билан танишиш мақсадида қаратилган ўзбек-Эрон Бизнес-форуми ва кооперацион биржа ташкил этилди.

Учрашувда республикамизнинг йирик ташкилотлари ҳамда турли компаниялар раҳбар вакиллари иштирок этди.

Ботир МУСУРМОНОВ
«Туркистон-пресс»

Миллий дастур — амалда

ПОЙДЕВОР МУСТАҲКАМ БўЛСА...

ОТА-БОБОЛАРИМИЗ ҚАДИМ-ҚАДИМДАН БЕБАҲО БОЙЛИК БўЛМИШ ИЛМУ МАЪРИФАТ ВА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯНИ ИНСОН КАМОЛОТИ ҲАМДА МИЛЛАТ РАВНАҚИНИНГ ЭНГ АСОСИЙ ШАРТИ ВА ГАРОВИ ДЕБ БИЛГАНИ БЕЖИЗ ЭМАС. БИНОБАРИН, ХАЛҚИМИЗНИНГ ЭРТАНГИ КУНИ ҚАНДАЙ БўЛИШИ ФАРЗАНДЛАРИМИЗНИНГ БУГУН ҚАЙ ТАРИҚА ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ ОЛИШИГА БОГЛИҚ.

даги собиқ 146-болалар боғчаси негизида бошлаган, — дея ҳўқоқ қилади ушбу мажмуанинг очилишида бевосита ташаббус кўрсатган қирқ йилдан ортик педагогик фаолиятга эга фидойи мураббийлардан, бугунги кунда ушбу мажмуанинг директори, «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълоҳисси» Ҳамид Ҳўжахонов, — 1995-1996 ўқув йилларида мактабда 60 нафар ўқувчи қабул қилинган. Шулардан 30 нафари 7 ёшлар, 30 нафари 6 ёшлар бўлган, 7 ёшдан қабул қилинган ўқувчилар таълимининг биринчи босқичини 1997 йилда тугатганлар.

Ўз фаолиятини «Бошлангич мактаб-боғча гимназияси» сифатида бошлаган ушбу таълим маскани 1999 йилнинг 7 апрелидан бошлаб Сергели туманида биринчи

бўлиб, мустақил юридик шахс сифатида 318-сонли «Ихтисослашган мактаб-боғча мажмуаси» мақомида фаолият кўрсатиб келмоқда. Бугунги кунда мажмуада 300 га яқин ўқувчи ва 60 дан зиёд тарбияланувчи бўлиб, улар учун бир неча компьютер ва инглиз тили хоналари, лингафон синфларида дарсдан ташқари машгулотлар ташкил этилган. Шунингдек, таъқвондо, ўзбек миллий рақс тўғраги, юмшоқ ўйинчоқлар, биши-тиши тўғрақлари ҳам ўқувчилар ихтиёрида. Жажжи ўқувчиларини ободонлаштириш ишларига жалб этиш мақсадида «Яшил патруль» гуруҳи ташкил этилган. Улар ҳар кун ховли саҳнидаги гулу гулзорларга, мевали дарахтларга сидқидилдан қарашади.

гоҳдан 12 та битирувчи синф ўқувчилари бошлангич синфлардан юқори синфларга чиқарилган. Маҳмуа фаолиятдан фарзандларимизнинг ота-оналари ҳам мамнун. Сабаби, мазкур даргоҳда 1-синфдан бошлаб болаларга инглиз тили, рус тили фанлари билан бирга компьютер саводхонлиги ҳамда иқтисод илмидан сабоқ берилди. Уларга мажмуанинг 15 дан зиёд олий маълумотли педагог-ўқитувчилари ва 10 та юқори малакага эга тарбиячилари таълим-тарбия беришади.

— Ёш, изланувчан педагогларимиз болаларимизга дарсдан ташқари машгулотларда турли мавзуларда медиа дарслар ташкил этишган, — дея сўзида давом этади мажмуа раҳбари. — Медиа дарс дегани, бу АКТ-ахборот ком-

муникацион технологияси асосидаги дарс демакдир. Яъни, унда ўқитувчи Интернет орқали болаларга турли янгиликларни компьютер воситасида етказилади. Бу йил айниқса, иқтисод ва молия мавзусидаги дарслар болаларга бозор иқтисодиёти, нархнаво, савдо турлари ҳақида кенг маълумот берди. Бир сўз билан айтганда, ўқувчилар «Иқтисод-алифбоси»дан ҳам баҳраманд бўлишмоқда. Яқинда Тошкентнинг 2200 йиллигига бағишлаб «Она шахрим — Тошкентим» номли медиа дарс ҳам ўтилди. Ушбу дарсларнинг барчаси ўқитувчиларимизнинг Интернетдаги шахсий сайтларидан ҳам ўрин олди.

Ниятимиз ушбу мажмуада ҳар томонлама етуқ, иқтидорли ва баркамол ёшларни тарбиялаб етиштиришдан иборат. Зеро, Юртбошимиз ҳам «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт» дея бежиз таъкидлаганлар.

Зилола ҚОБИЛЖОНОВА,
Сергели туманидаги ихтисослашган мактаб-боғча ўқитувчиси

(Давоми.Боши 1-бетда).

— Давлатимиз раҳбарининг ушбу фармони мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътиборнинг амалдаги яна бир ифодасидир. — дейди "Микрокредитбанк" бошқаруви раисининг ўринбосари Шукрулло Умутов. — Мазкур фармон ижросини таъминлаш мақсадида банкимизда микросармоялар бериш кўлами янада кенгаймоқда.

Бунда ички бозорни тайёр маҳсулотлар билан тўлдириш, халқ эҳтиёжларини қондириш, ҳар бир оилга доимий ва ишончли даромад манбалари ва иш жойлари ташкил этиш алоҳида ўрин тутди. Тадбиркорлик субъектларини имтиёзли лизинг хизматлари асосида техник жиҳатдан замонавий ускуналар ва минитехнология билан жиҳозлаш масаласи банк фаолиятининг асосий йўналишларидандир. Демак, имтиёзли микросармоялар деярли ҳар бир кичик корхона, деҳқон ва фермер хўжалигига, ҳар бир маҳалла ва хонадонга етиб боради. Қишлоқ ва шаҳарларимизда микрокредитлар билан иш бошлаган йирик корхоналар сони орта бошлайди.

Банк давлатимиз раҳбарининг фармонида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, тадбиркорларни фақат сармоялар билан таъмин-

ҚУЛАЙ ВА ИШОНЧЛИ ҲАМКОР

лабгина қолмасдан, бошловчи тадбиркорларга тадбиркорлик ишлари сир-асорларини пухта ўргатишга йўналтирилган семинарлар, товармаҳсулотлар кўргазмалари, реклама ва тажриба алмашиш тадбирлари кўламини янада кенгайтиришга эътиборни қучайтирмоқда.

Фармонга биноан мамлакатимизда тадбиркорлар учун белгиланган мавжуд имтиёзлар кўлами кенгайтирилган. Жумладан, фермерлар учун энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдоридagi микросармоянинг йиллик фоизи 5 фоиздан 3 фоизга, айланма маблағларни тўлдириш учун энг кам иш ҳақининг 500 баробари миқдоридa берилadиган микрокредит Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 100 фоиздан 50 фоизга, кичик бизнес субъектларига энг кам иш ҳақининг 2000 баробаригача миқдорда берилadиган лизинг маблағлари фоизи еттидан беш фоизга камайтирилди.

Бундай имтиёз ва қулайликлар жaхон молия-иқтисодий тажрибасида жуда кам учрайдиган ҳодисадир. Фаолияти кичик бизнес ва ху-

сусий тадбиркорликка кўмаклашишга йўналтирилган "Микрокредитбанк" имкониятлари оширилди — банкнинг устав капитали 72 миллиард сўмга кўпайтирилди.

Аслида "Микрокредитбанк" ташкил этилганидан буён ўтган давр мобайнида унинг тармоқлари кенгайиб, барча ҳудудларда аҳолига хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди. Ҳозир унинг 78 филиали, 272 минибанки 126 минг нафардан зиёд мижозга барча турдаги замонавий банк хизматларини кўрсатмоқда. Банк фаолият бошлаганидан буён кичик бизнес субъектларига кўрсатилган микромолиявий хизматлар миқдори 107,7 миллиард сўмга етди.

Жорий йилнинг ўтган 9 оyi давомида эса кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерлик соҳасига 34,1 миллиард сўм миқдоридa микромолиявий хизмат кўрсатилди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 154,3 фоиз кўп дeмакдир. Ажратилган микрокредитлар ва кўрсатилган микролизинг хизматлари самарасида 45 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилди.

Микросармоялар ва микролизинг

хизматлари эндиликда хонадонлар учун чорва моллари, паррандалар, уруғлик ва кўчатлар сотиб олишга, ҳатто тупроққа ишлов бериш ва сугоришни ташкил этишгача бўлган кенг кўламли эҳтиёж ва заруратлар учун берилмоқда. Энг чекка қишлоқларга қариб боришга бел боғлаган мазкур банк аҳолининг кам таъминланган, кўмак ва ёрдамга муҳтож қатламларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватламоқда. Масалан, аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламини моддий қўллаб-қувватлаш, меҳнатга жалб қилиш орқали доимий даромад манбаи билан таъминлаш мақсадида қарийб уч минг олти юзта оилга чорва моллари сотиб олиш учун 3,8 миллиард сўм миқдоридa имтиёзли кредитлар ажратди. Салкам 6,7 минг ёш оила эса банкнинг 11,2 миллиард сўмлик кредитидан баҳраманд бўлди. Жумладан, тадбиркорлик билан шуғулланишга киришган уч минг олти юз нафар ёш оилга 6,2 миллиард сўмлик имтиёзли микрокредит ажратилди.

Давлатимиз раҳбарининг номи қайд этилган фармонига биноан "Микрокредитбанк" томонидан амалга оширилаётган бундай хайрли ишлар кўлами янада кенгаймоқда.

Сайёра ШОЕВА, ЎЗА шарҳловчиси

2008 — Ёшлар йили

САЛОМАТЛИК ОЙЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИДА РЕСПУБЛИКА ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОғЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ ЭНДОКРИНОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ШАМКОРЛИГИДА ҚАНДЛИ ДИАБЕТ ХАСТАЛИГИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА УНИ ДАВОЛАШГА БАҒИШЛАНГАН КОНФЕРЕНЦИЯ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАЛАРИ ФАОЛЛАРИ, ДИНИЙ МАЪРИФАТ ВА МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА МАСЛАҲАТЧИЛАР, ШИФОКОРЛАР ВА ОЛИМПАР ИШТИРОК ЭТДИ.

ойлик доирасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва пойтахтимиздаги маҳаллалар, меҳнат жамоалари, таълим масканларида қандли диабет касаллигининг олдини олишга йўналтирилган анжуманлар, давра суҳбатлари, семинар-машгулотлар ташкил

этилади. Таълим даргоҳлари талабалари ва ўқувчилар ўртасида спорт мусобақалари, марафонлар, иншоолар, расмлар кўрик-танловлари, хайрия концертлари ташкил этилади.

Аҳолининг кенг қатламлари, талаба-ёшларни қандли диабетга қарши адаби-

ётлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилади.

Тадбирда қандли диабет хасталигининг олдини олиш ва унга ташхис қўйишга бағишланган маърузалар тингланди.

Назозат УСМОНОВА, ЎЗА муҳбири

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари М.Зуфарова, Соғлиқни сақлаш вазирлиги Эндокринология илмий-тадқиқот институти директори С.Исмоилов Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида аҳоли, айниқса, оналар ва болалар саломатлигини мустақкамлаш, оила, оналик ва болалик манфаатларини таъминлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Оилада тиббий маданиятни юксалтириш, хотин-қизлар, болалар ўртасида учрайдиган хасталикларнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган аниқ мақсадга

йўналтирилган чора-тадбирлар бунинг далилидир. Мутахассисларнинг фикрича, қандли диабет жаҳон миқёсида кўпайиб бораётган касалликлардандир. Мамлакатимизда ушбу хасталикни даволаш, бу дарнада чалинган беморларни ўз вақтида аниқлаш, профилактика чораларини қўллаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётди. "Ёшлар йили" Давлат дастури доирасида Республика Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган Саломатлик ойлиги ҳам бунинг далилидир.

14 ноябрь — Халқаро қандли диабетга қарши кураш кунига бағишлаб бир ой давомида ўтказиладиган ушбу

МАТБУОТ АНЖУМАНИДА ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА «ИНСОН ХУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚИЙ КАНОЛАТЛАРИ» МАВЗУСИДА МАТБУОТ АНЖУМАНИ ЎТКАЗИЛДИ.

Унда мамлакатимиздаги давлат ва нодавлат оммавий ахборот воситалари, инсон ҳуқуқлари ҳимояси билан шуғулланадиган вазирлик ва идоралар вакиллари иштирок этди.

АдлиЯ вазирининг биринчи ўринбосари А.Ахмедов бошқарган тадбирда жорий йилнинг ўтган даври мобайнида инсон ҳуқуқларини тушунириш бўйича вазирлик томонидан амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилиниб, бу борада 6 мингдан ортиқ ҳуқуқий тарғибот ишлари олиб борилганлиги алоҳида қайд этилди. Шунингдек, аҳоли ўртасида тарғибот ва ташвиқот ишларини амалга оширишда, улар ўртасида ҳуқуқий маданиятни янада юксалтиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни беқиёс эканлиги таъкидланди.

Дарҳақиқат, республикаимиз давлат мустақиллигига эришгач, жамиятимизнинг барча жабҳаларида кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Ушбу ислохотларнинг замирида, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига бўлган эътибор, унинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш, инсон ҳуқуқларини энг олий қадрият сифатида эътироф этиш каби ғоялар бш мақсад сифатида мустақкамланган. Энг муҳими, мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини нафақат конституциявий ҳимоя қилишнинг асослари ва кафолатлари шакллантирилди, балки уни рағбатлантиришнинг миллий тизими ҳам ишлаб чиқилди.

— Мазкур матбуот анжуманидан шу нарса маълум бўлдики, вазирлик билан оммавий ахборот воситаларининг ҳамкорлиги жуда муҳим, — дейди Адлия вазирлиги ахборот хизмати раҳбари Тўрабек Тўраев. — Нимагаки, ОАВ ва инсон ҳуқуқи ҳимояси билан шуғулланадиган ваколатли идораларнинг ўзаро ҳамкорлиги аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишда катта аҳамият касб этади. Таъкидлаш жоизки, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида вазирлик томонидан Республика бўйлаб ўқувчи-ёшлар иштирокида "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг аҳамияти" мавзусида семинар ўтказилди. Ушбу семинарларга 10 000 нафарга яқин мактаб, лицей, коллеж ўқувчилари жалб этилди. Бундан кейин ҳам бу каби тадбирларни янада кўпайтириб, ноанъанавий, интерфаол усуллардан фойдаланган ҳолда ўтказиш режалаштирилмоқда. Албатта, бунда журналистларнинг иштироки бажарилаётган ишларнинг самарали бўлишини таъминлайди.

Очиқ мулоқот тарзида ўтказилган мазкур матбуот анжумани журналистлар ва соҳа мутахассислари учун ҳам тўридан-тўри мулоқот қилиш имконини берди. Шунингдек, Инсон ҳуқуқлари ҳимояси юзасида Адлия идоралари олиб бораётган ишлар юзасида ОАВ вакиллари батафсил маълумот берилиб, уларнинг бу борадаги саволларига батафсил жавоб берилди.

Сурайё МЕЛИКУЛОВА, "Туркистон-пресс"

ҲОЖАТБАРОР ОНАХОН

Эски Жувадаги Чорсу бозоридa рўзгорга ул-бул харид қилиб юргандик. Мева-чева растаси яқинида уч-тўрт ёшлар чамасидаги бир болакай «ойлаб» йиғлаб қолди. Дарҳол боланинг ёнига бордик. Сўраб-суриштирсак, бола онасидан орқада қолибди шекилли, адашибди. Рўзгор ташвиши билан боласини унутган онаизор бозорнинг қай бурчагидa болам деб бўзлайди, болакай эса бу томонда онасини излайди. Шу атрофдаги сотувчилар сўровимизга: «ҳозиргина онаси билан юривди, билмадик бир зумда онаси қайга йўқолди экан», дейишди. Болакайнинг онасини беғамликда айблаб озгига эрж берганлар эса бичиб-

лирсанг ҳам, ўйлаб гапир» деган фикр келди.

ҚИЛМИШ — ҚИДИРМИШ

Уша кунчи хизмат сафаридан қайтардик. Андижон — Тошкент поезида кўпедош ўрта ёшли бир киши билан ҳамсуҳбат бўлиб қолдик. У тез-тез йўталар, бу қилмиши билан хижолат тортиб мен томон қараб қўярди. Охири бўлмади шекилли: — Шунча касалим бор, айбга бюр-майсиш энди, — дея уэр сўрагандек бўлди. — Шифокорларга қуринмадингизми? — сўрадим мен. — Қўринганман. Дори-дармон ичаман, уч-тўрт кун шифо топадиган бўлман, кей-

кетишга ундади. Нима бўлдию улфатларимиздан бири у билан сан-манга бориб қолди. Чойхоначи анча баджаҳл экан. Рақибини мушталай кетди. Дўстимиз калтак остида қолганини кўра туриб биз қараб турармидик. Олдинига уларни ажратмоқчи бўлдик. Чойхоначи ҳадеганда сўзимизга киривермади. Кейин нойлоғ ҳаммамиз унга ёпишдик. Роса тепкиладик. Атрофда ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, жуфттакиро-стлаб қолдик. Чойхоначи калтак зарбидан ерда чўзилганича қолиб кетди.

Манзилга етиб келгач, машиналаримизни гаражга киритиб қўйдик. Бўлган воқеани ҳеч кимга айтмадик. Эртасига яна Марғилонга гишт ортдик. Уша чойхона атрофидан ўтаётиб одамлардан чойхоначини кечаси кимлардир калтаклаб ўлакка қилиб кетганини, у шифоконда оғир аҳволда

ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

тўқишди. — Балки боласини ташлаб кетгандир. — Вой, бола кўр қилгур. — Билмай-кўрмай, шунча гапларни айтишга уялмайсизларми? Шундай замонда ким ҳам кап-катта боласини ташлаб кетарди. Ундан кўра, кўплашиб болакайнинг онасини топшига ёрдамлашмишлар, — деб уларнинг озгига «урди» бир нуруний онахон.

Шу топда бозор радиоузелидан йўқолган боланинг онаси бозор маъмурияти биноси олдида кутаётганлиги, болани топиб унинг олдига олиб борган одамга истаганча суюнчи беражаклиги ҳақида хабар қилинди. Ана энди кўринг, боланинг меҳрибонлари қўпчилиги. «Унинг онасига мен олиб бориб топшираман», дегувчилар сони бир зумда ортиб борди. Уртадаги бола онасига интиқлик билан қарашди. Унга гойибона меҳр кўрсатувчилар эса боланинг атрофида парвона.

— Уялинглар-ей, — деди боғчи онахон, — болани тортиқламай менга беринглар, ўзим олиб бораман. Бир зор қакшаб турган онанинг ҳожатини чиқариш учун суюнчи талаб қилгани уялмайсизларми.

Онахон болани етаклаганча онаси томон ўзи олиб кетди. Энди уни орқасидан кесак отувчилар кўпайди.

— Суюнчининг мумайигасини ўзи олса керак.

— Узини қўй озгидан чўп олмайдиган қилиб кўрсатадиган бунақа меҳрибон онахонларни кўп кўрганимиз.

Йўлимиз шу томон бўлгани учун ҳожатбарор онахоннинг орқасидан кетдик. У бозор маъмурияти олдида бўлаб турган онага боласини топширди. Унинг елкасига қоқиб юпатди. Онаизор «суюнчисини олинг», деб ҳожатбарор кампирга анча ялиниб-ёлворди. Аммо онахон унамади.

— Шу суюнчи пулга болангизга бирон нарса олиб беринг, — дея йўлга кетди. Шу топда негадир хаёлимизга «уйнаб га-

ин яна қайталайди. — Қаерда ишлайсиз? — Олмаликда, қурилишда. — Уша ерда турасизми? — Йўқ, ўзим наманганликман. — Ундай бўлса қандай қилиб Олмаликка бориб қолдингиз, — қизиксиниб сўрайман мен.

— Бунинг тарихи узун, биродар. Ҳалиги бир гап борку «Айтсам тилим куяди, айтмасам дилим» деган. Шунга ўхшаб айтишми ҳам, айтмасликни ҳам билмайман.

— Йўл узок, зерикиб қолмаслик учун, суҳбатлашиб кетамизда. Агар сир бўлмаса айтинг. Дардлашасак дил ёзилади.

— Яширадиган жой йўқ. Қолаверса, бу сирни аллақачон ўзимиз ошқор қилиб бўлганмиш. Ушанда мен Намангандаги йирик автобазалардан бирида ишлардим. Раҳбаримиз биз тўрт ҳамкасбни хузурига чорлаб эртага Марғилондаги қурилишлардан бирига гишт етказиб беришимизни тайинладди.

Йўлда бораётиб фикримиз бузилди. Тўпланишиб бир машина гиштини «гум» қилишга келишдик. Шу боис бир машинани ярим йўлда қолдирдик. Келишувга биноан ҳамкасбимиз гиштини пуллаб бизнинг орқага қайтишимизни пойлаб ярим йўлда туриши керак эди. Биз учовлон омон-эсон манзилга етиб келдик. Юқларимизни туширдик. Қурилиш бошлиғига ороққ пул кистириб тўрт машина гиштга қўл қўйдириб олдик. Ишимиз осонгина битганига хурсанд бўлиб орқага қайдик. Белгиланган жойга етиб келсак, ҳамкасбимиз, «топширдики» тўла-тўқис адо этиб шу яқин атрофдаги чойхонада ош тайёрлаб турган экан.

Албатта, ошдан олдин ороққ-ороққ ичдик. Кейин қизичиб қолибмиз шекилли, яна икки шиша арқони ичиб юборибмиз. Бироз кайғимиз тарқасин, деб қоронғу тушгунча кутдик. Унгача чойхонада ҳеч ким қолмади. Чойхоначи «у ёқ бу ёқни йиғиштираман, йигитлар туринглар», деб бизни

ётганини эшитдик. Дарҳол киши билмас машина рулига ўтириб манзилга жўнаб кетдик. Тезда орқага қайтиб, бир жойда ўтириб маслаҳатлашдик. Бу ҳақда ҳеч кимга оғиз очмасликка сўз бердик.

Орадан ойлар ўтиб чойхоначи бир ўлимдан қолганини, лекин калтак зарбидан унинг икки кўзи кўрмай қолганини эшитдик. Анчага яраганимиз тақани-тақани бўлиб юрди. Ярим йил ўтиб излар босилгач кўнглимиз жойига тушди. Шунда ҳамроҳларимиздан бири «бу фожеадан омон-эсон қутулганимиз шарафига бир зейнаф уюштирмасак бўлмайди» деди. Шундай қилдик, ойлик маош олган кунимиз чойхонада тўпландик. От-от бошланди. Ўз-ўзидан суҳбатимиз мавзуси уша фожеа томон бурилиб кетди. Тоza валдирабмиз. Та-со-дифни қарангки, шу жинорий иш юзасида қидирув олиб бораётганлардан бири уч-тўрт улфатлари билан ёнимиздаги сўрида чойхўрлик қилиб ўтиришган экан. Тилимиздан илганимизни билиб у бизга яқинлашди. Гап нимада эканлигини билмасимизданок бизни туришга ундади. Кейин ўзи билан бирга олиб кетди.

Сўроқда қаршиллик қилишнинг иложини тополмадик. Айбимизни бўйнимизга олишдан ўзга чорамиз йўқ эди. Сабаби, бор гапни ўзимиз ошқора қилиб бўлгандик.

Суд ҳаммамизни турли йилларга ҳўкм қилди. Тақдир тақозоси билан мен Олмаликка келиб тушдим. Икки йил ўтиб шартли равишда озодликка чиқдим. Ҳўкмининг қолган қисмини Олмаликдаги қурилишлардан бирида ўтказадиган бўлдим.

Энди кўпи кетиб, ози қолди. Ярим йўлда сўнг, тўла озодликка чиқаман. Яқши ишлаганим учун жўжайинларим ора-чора маълум муддатта уйга бориб келишимга рухсат беришди. Бундан икки кун олдин уйга кетганим. Бола-чақани қуриб қайтапман. Шунча отахон. «Қўнғир ишининг қийғи кирқ йилдан кейин ҳам қикади», деб бежиз айтишмаган экан. Қиссадан ҳисса ҳар кимнинг ўзига ҳавола.

Маданиятимиз тарихини ўрганамиз АНЪАНАВИЙ ҚЎШИҚЧИЛИК САНЪАТИ

ҚЎШИҚЧИЛИК ИЛМИНИНГ УЛКАН БИЛИМДОНИ БЎЛГАН ФОРОБИЙ НАЗКУР СОҲА ТАРИХИНИ ВА УНИНГ ЎРГАНИЛАЁТГАН ДАВРИДАГИ ҲОЛАТИНИ ЧУҚУР ЎРГАНИШ АСОСИДА НАЗАРИЙ МУСИҚА, АМАЛИЙ МУСИҚА ҲАМДА МУСИҚА СОЗЛАРИ, ОҲАНГ ЯРАТИШ ХУСУСИДА БАҲС ЮРИТИБ, ҚЎШИҚЧИЛИК САНЪАТИНИНГ ЎРТА АСРЛАРДАГИ ТАРАҚҚИЁТИНИ ТАҲЛИЛ ЭТАДИ.

У айрим мусиқашунослар факултода тасаввур кучига эга бўлиб, мусиқани ёки уни ташкил этувчи товушларни созага мурожаат қилмасдан, унинг воситасисиз забт этишларини ва бунда эшитув ҳиссига ҳам эҳтиёжлари бўлмаслиги, улар бунга ирода кучи билан киришувлари кифоя қилишини айтади. Чунки оҳанг уларнинг эҳқларидан оқиб янгради. Лекин шу мусиқашунослар бу истеъдоддан бир хилда баҳраманд бўлмади, айримлари бошқаларидан пешкадам эди.

Бундай мусиқашунослар орасида шундайлари ҳам бор эдики, улар куй яратиш учун ҳеч қандай воситасига муҳтожлик сезмай, оҳангни тарғиб этардилар. Лекин айримлари бундай ижода заифлик эллатишга дучор бўлиб, товуш воситаларидан биронтасининг кўмагига муҳтож бўлар эдилар. Ҳикоя қилишларича, Ибн Сарих (аслида Ибн Сурайж) Маккий бир овзон тарғиб қилмоқчи бўлса, эгнига кўнғироқчалар осилган бир кийимни кияр экан, кўнғироқчалардан чиққан садо унинг ўзи айтган қўшиқнинг садосига мувофиқ келар экан. Шу вақтда Ибн Сарих қўлоқ ва гавдасини маълум бир эпкинда ҳаракатга келтириб, товушни оҳангга сола бошлар экан. Унинг қўшиқ оҳанги банди ва зарби бадан ҳаракатига жавоб бера бошласа, кўзда тутган оҳанг камолга етган бўлар ва у қўшиқни куйлаб бошлар экан.

Форобийнинг қўшиқчилик санъатига доир фикрлари билан танишиб, улар ҳозирги замон мусиқий илмини янада ривожлантиришда муҳим кўлланма бўла олади деб айтиш мумкин. Форобийнинг қайд этишича, мусиқа илмининг банд, тарона, қўл ва баданнинг бошқа аъзолари ҳаракатидан иборат ўрта асоси мавжуддир.

Буюк олим Форобий ўзининг мусиқа ҳақидаги мукамал асари — «Катта мусиқа китоби»дан ташқари, «Мусиқа ҳақида сўз», «Ритмлар тартиби ҳақида китоб», «Ритмга қўшимча қилинадиган силжишлар ҳақида» каби асарларида мусиқа санъатининг илмий-назарий тамойилларини янада ривожлантирди ва уларни ўрганилаётган давр учун юксак даражага кўтаришга эришди.

Улкамизда қўшиқчилик илмининг шаклланиши ва ривожланиши Абу Али ибн Сино номи билан ҳам бевосита боғлиқдир. Унинг «Китоб аш-шифо» номли асаридa мусиқага оид махсус бўлим бор. Аллома бундан ташқари, махсус «Рисолаи фил-мусиқа» рисоласини ҳам ёзган. Айрим маълумотларга кўра, Ибн Сино «Мусиқа санъатига кириш», мусиқа назарияси мавзусидаги «Атрибулар ҳақида китоб» каби асарларнинг ҳам муаллифидир. Лекин сўнгги уч асар бизчага етиб келган эмас. Буюк алломаларимизнинг мусиқашуносликка оид ва бизга маълум асарлари рўйхати унчалик катта эмас. Форобий, Ибн Сино, Сафиуддиннинг қўшиқчиликка оид асарлари асосан Р.Д.Эрланжнинг француз тилига таржима қилинган «Араб мусиқаси» китобидан ўрин олган.

Ибн Сино ҳам Форобий сингари мусиқа илмини математика бўлимига қиритиш ва композиция яратиш учун товушларни ўрганишга муҳим аҳамият беради. Унинг фикрича, мусиқа гармонияга ва ритмикага бўлинади.

Ибн Синонинг «Мусиқа ҳақидаги билимлар тўплами» асари олимга жуда катта шурҳат келтирди. Асарнинг ҳар параграфидa мусиқашунослигининг янгидан янги (унинг француз тилига таржимаси 142 бетни ташкил этади) масалалари кўтарилади ва ҳал этилади. Муаллиф ўз асаридa қўшиқчилик санъати назариясида мулоқ ҳақиқатни даъво қилмагани ҳолда, унинг муаммоларини объектив ҳақиқатга сўянчи очишга ҳаракат қилади, бунда мусиқа асосларининг устувор тамойиллари бошқа фанлар билан боғлиқ эканлигига ишора этади. Муаллиф мусиқанинг муҳим жиҳатларини ўрганиш учун физиканинг асосий қонун-қоидаларига амал қилиш лозим, зеро, бу нарса тажриба ва амалиёт билан боғлиқдир, деган фикрни билдиради.

Аллома товушлар табиатини ўргана туриб уларнинг қилиб чиқиш механизмини очиб беришга ҳаракат қилади ва ҳар қандай товуш қўшиқчилик санъати талаблари асосида намоён бўлишини ўқтиради. Товушнинг табиий хусусиятлари айна пайтда инсон фаолиятига ҳамоҳангдир, дейди олим.

Ибн Сино қўшиқнинг юзага келиш сабабларини илмий-назарий жиҳатдан асослаб беради экан, бўяд (интервал) ларни ўрганиди, уларни бир гуруҳга қиритиб, ритмларнинг юзага келиши ва пировард натижада қўшиқнинг вужудга келиш эволюциясини таҳлил этади. Муаллифнинг таъкидлашича, интервал — бу бир қўшиқда бири иккинчидан сўнг келадиган икки товуш, оҳангнинг бир-лашувидир. Бундан шундай ҳулоса чиқариш мумкинки, Ибн Сино Шарқнинг бошқа мусиқашунослар олимлари сингари интервалларни таъкид этишда, аънаваний қўшиқчилик усули тарафдоридир. Бошқача айтганда, интервал икки товушнинг мужассамликда тушунилишидир. Бу эса ўрта аср Шарқ қўшиқчилик санъатининг муҳим хусусиятларидан ҳисобланади.

Ибн Сино ўз асарларида мусиқа созларини торли, пуфлама ва зарбли турларга бўлади. Кейинчалик Европа мусиқашунослари ҳам мазкур қондага амал қилдилар. Фикримизча, Ўрта Осиёда пайдо бўлган қўллаб мусиқа созлари кейинчалик Европа мамлакатларида маҳаллий халқ мусиқаси хусусиятларига мослаштирилган. Бу эса кўпроқ торли, пуфлама чолғуларига ҳосидир.

Ибн Сино замонида, айниқса уд жуда қадри мусиқа сози бўлган ва бунга раҳимлар ва шонлар ўз асарларида эътироф этишган. Ўрта Осиёдаги уд мусиқа сози араблар истилоси даврида дунёнинг жуда кўп мамлакатларида машур бўлган. Айна пайтда удни араблар яратмаганлигини алоҳида қайд этиш лозим.

Марказий Осиёда қўшиқчилик санъатини ривожлантириш соҳасида «Қобуснома»да ҳам қимматли тавсиялар келтирилган. Мазкур китобда, жумладан, шундай дейилади: «...агар хофиз бўлсанг, хушфел

ОЗ-ОЗ ҲАҚИДА ДОНО БУЛАВ...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИҚМАТ БЎСТОНИ ҲИҚМАТЛАР

“Баҳористон” дан

(Шоислом Шомухаммедов таржимаси)

Дарвишдан ҳукмдор сўради: “Нечун Келмадинг олдимга бунчалик узок?” Ул деди: “Нимага келдинг, дегандан, “Нимага келмадинг”, деган яхшироқ!”

Донлар лабидан тўкилув гавҳар, Ким кўксин ҳазина қилолса аъло. Ҳиқмат газнасидир, донолар дили, Ундан узок тутма ўзингни асло.

Яхшилик йўлидан тойиб кетади, Нодон табиати билан иш тутиб. Ҳаттоки ҳайвонни тарбия этар, Доно ўз ақлини раҳнамо этиб.

Биров аҳмоқона иш қилса сенга, Олижаноблик қил озорин унут. Нафс-ҳаво, жаҳолат келмасин голиб, Ақлинг фармонига мувофиқ иш тут.

Боқмагил золимнинг юзига зинҳор, Дўзах дарвозасин у худди ўзи.

Сахий дема саховатига, Бирор талаб кўйса гар одам. Сахийликмас, бу савдогарлик, Бунда йўқдир шараф ва қарам. Саховатдан кимнинг мақсади — Агар бўлса шуҳрат, овоза, Аҳли қарам шаҳрида унга Ҳар доимо беқдир дарвоза.

Одамнинг қиймати эмас симу зар, Одамнинг қиймати билим ҳам ҳунар. Назар сол, дунёда ҳунар туфайли Хожасидан қадри ортук кўп қуллар. Қанчалаб жоҳалар хунарсиз учун, Қуллари олдида беўқ, бесипар.

Ишқ сиррин таъриф этиб бўлмас бил, Юз пардага ўраб беркитмоқ мушкул.

Дил агар ногаҳон гамга учрасанг, Гамҳўр дўстинг бўлса у гам эмасдир, Қулфат кун содик дўстларинг керак, Бахтли кунда дўстлар ҳеч кам эмасдир.

Мукбил киши ҳазил қилса, айб этма, Бу ишга йўл қўяр доим ақлу дин. Кўнгил бир ойна — занг босиб турар, Занг кетиб, сайқал топар ҳазилдан.

Ақли деб билган ҳар бир кишида Девоналикдан ҳам бордир бир асар. Дунё ташвишидан шу девоналик Соясида фақат омонлик топар. Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади



ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ШУ ЙИЛ 4 НОЯБРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ФАРМОЙИШИГА БИНОАН МАМЛАКАТИМИЗДА 10 НОЯБРДАН 10 ДЕКАБРГАЧА ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ. ОЙЛИК ДОИРАСИДА АҲОЛИ ПУНКТЛАРИ ВА ИҚТИСОДИЙ ТАРМОҚЛАРИ ОБЪЕКТЛАРИДА ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ТАДБИРЛАРИНИ КУЧАЙТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ИШЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА.

— Ёнгини ўчиргандан кўра унинг олдини олган афзал, деган ҳиқмат ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимларининг шиорига айланган, — дейди Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ёнгин хавфсизлиги бош бошқармаси бошлиғи, полковник Асад Исмолов ўз муҳаббатига. — Бу тушунчани юртдошларимиз, айниқса, болалар ва ёшлар онгу шуурига синдиришига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари аҳоли, айниқса, болалар ва ёшлар, шунингдек, қорхона ва ташкилотлар ходимлари иштирокида тарғиб-ташвиқ ишларини изчил давом эттирмоқда. Бу борада оммавий ахборот воситалари имкониятларидан кенг фойдаланилмоқда.

Шу ўринда айтиш жоизки, болаларни ўйда ёлғиз ва қаровсиз қолдириш кўп ҳолларда ёнгин чиқишига сабаб бўлади. Бундай ҳолларга йўл қўймаслик мақсадида ота-оналар масъулиятини оширишга жид-

дий аҳамият берилмоқда. Соҳа ходимлари ҳар бир хонадонда ёнгин хавфсизлиги қоидаларига кўй даражада риоя этилаётганини қўздан кеччириб, ёш болани уй эгалари билан бу мавзуда алоҳида суҳбатлар ўтказмоқда.

Ёнгин хавфсизлиги қоидаларини тарғиб қилиш мақсадида йил бошидан буйун 803 турдаги 272 минг нусха эслатма ва плакатлар, 1345 турдаги тарғиб-реклама материаллари тарқатилди. Таълим ва тарбия муассасаларида 10,5 мингга яқин ёнгин хавфсизлиги бурчаклари ташкил этилди.

Тегишли соҳалар хизматлар вакиллари билан ҳамкорликда хонадонлар, идора, ташкилот ва қорхоналарда текширишлар ўтказилди. Ўтказилган текширувлар жараёнида қатор носоз газ ускуналари, дуд-буронлар, электр тармоқларидан фойдаланиш ҳолатлари аниқланди. Шунингдек, газ мосламаларидан фойдаланишда ёнгин хавфсизлиги қоидаларини бузиш, табиий газ ва электр энергиясидан ноқонуний

фойдаланиш ҳолатларига йўл қўйлаётгани ҳам маълум бўлди. Бундай камчиликларни бартараф этиш учун қўрилган чора-тадбирлар натижасида жорий йилда ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан ёнгин содир бўлиш ҳолатлари сезиларли даражада қамалди.

Текширувлар натижалари бўйича ёнгин хавфсизлиги қоидаларини бузётган ёхуд хизмат ходимларининг қўрсатмаларини бажармаётган 59,3 минг масъул шахс маъмурий жавобгарликка тортилди. Ёнгин чиқишига олиб келиши мумкин бўлган ҳолатга йўл қўйган юзлаб қорхона, бино ва иншоотнинг иш фаолияти вақтинчалик тўхтатилди. 138 мингдан ортук электр ускуналарида фойдаланиш тақиқланди.

Фуқароларимизнинг хотиржам ва фаровон ҳаёти, юртимиз раванқига хизмат қиладиган бундай чора-тадбирлар ёнгин хавфсизлиги ойлигида янада қатъий ва изчил давом эттирилмоқда.

Норгул АБДУРАИМОВА, ўзА муҳбири

Сўраш, жавоб берамиз

ШАХМАТ ҚИРОЛЛАРИ СОВРИНЛАРИ

Кўпгина оммавий спорт турлари голибларига тақдим этиладиган совринларни биламиз. Аммо шахмат соҳасида голибларга берилган энг катта совринлар қанча бўлган экан? Шуни билишнинг иложи борми?

Сулаймон Давронов,

Чилонзор тумани. WWW.AIF.RU интернет сайти хабарига кўра, шахмат бўйича жаҳон чемпионатлари тарихида энг йирик соврин 1992 йили Фишер — Спасский турнирида белгиланган бўлиб, у 5 миллион АҚШ долларини ташкил этган. 1990 йилги шахмат тожи учун Карпов — Каспаров мусобақасидаги соврин миқдори эса, 4,1 миллион долларга тенг бўлган.

XXI аср бошларидан шахмат тожи курашлари учун белгиланган энг юқори мукофот фонди 2,2 миллион долларни ташкил этиб, у 2002 йилги Крамник — Ананд турнирига тааллуқлидир. 2000 йилги Крамник — Каспаров “жанги” мукофот фонди 2 миллион

долларни, 1984 йилги Карпов — Каспаров турнири учун белгиланган соврин 1,6 миллион долларни ташкил этган. Нихоят, 2006 йили бўлиб ўтган Крамник — Топалов турнирида 1,2 миллион долларга тенг соврин ўйналган.

ЯНГИ МАЪЛУМОТЛАРНИ АНИҚЛАШГА ИМКОН

Сичконсиз хонадон бўлмади, дейишади. Бу гапда жон бор: хатто кўп қаватли уйларда ҳам уларни учратишади. Лекин улар қачондан бери ин-

сонлар билан бирга яшаб келишади?

Қодирали Тожиев, Яққасарой тумани.

Буюк Британиянинг Йорк университети профессори Жереми Сирл, сичқонлар минглаб йиллар давомида инсонлар билан ёнма-ён яшаб келишади, деб ҳисоблайди. Оддий хонаки сичқонларнинг асосий ватани Осиё қитъаси бўлиб, кейинчалик улар Яқин Шарқ мамлакатлари, тахминан 3 минг йиллар муқаддам Европа қитъаси мамлакатларига тарқалган.

Сичқонлар Осиё қитъасида 8 минг йиллардан бери истиқомат қилганлари ҳолда Европада бунчалик “кеч” тарқалишига сабаб, олимлар фикрича, қарийб темир

асригача бу ерда йирик аҳоли манзилгоҳлари бўлмагандир. Буюк кашфиётлар даврларида Фарбий европалик кўчманчилар турар дунё бўйлаб тарқалиб кетишган бўлса, сичқонлар ҳамма ерда уларнинг изларидан боришган.

Профессор Жереми Сирл, одамларга қаттиқ боғлиқ болган сичқонларнинг генетик қилини асосида аждодларимизнинг қитъалар ва минтақалар бўйлаб кўчириб тарқалган жойлар бўйлаб йўлларини аниқлаш имконияти бор экан. Кемирувчилар ДНКсини ўрганиш натижасида хатто бутун дунё бўйлаб тарқалиб кетган бу минглаб кўчманчилар қарлардан келганларини аниқлаш мумкин бўлади.

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИДАН Фойдаланувчи ҚОРХОНА ВА Ташкилотлар Раҳбарлари Диққатига!

“Тошкент шаҳар электр тармоқлари” қорхонаси ОАЖ электр энергиясининг барча истеъмолчиларига 2008 йил 1 январда тузилган электр энергияси етказиб бериш ва ундан фойдаланиш шартномаларининг амал қилиш мuddати жорий йилнинг 31 декабрида тугаши муносабати билан 2009 йил учун янгидан шартномалар тузилиши лозимлиги тўғрисида маълум қилади. Шартнома тузиш учун электр энергиясининг истеъмолчилари объект жойлашган манзил бўйича энергия билан таъминловчи ташкилотга мурожаат қилишлари зарур. Шартномалар қўйидаги талаблар бажарилганда тузилади:

- Ҳисоб-китоб нўқталарида замонавий электрон ҳисоблашлар ўрнатилган тақдирда;
- 2008 йилда амал қилаётган шартнома бўйича истеъмолчининг мuddати ўтган дебитор қарзлари мавjud бўлмаганда.

Юқорида кўрсатиб ўтилган шартларни бажармаган қорхона ва ташкилотлар билан 2009 йилга шартнома тузилаётганда ҳамда уларга электр энергиясини етказиб бериш тўхтатилади.

«Тошкент шаҳар электр тармоқлари қорхонаси» маъмурияти

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси томонидан Яққасарой туман 1 сонли давлат нотариал идорасидаги ўрни бўш нотариуслик лавозимида ТАНЛОВ ЎТКАЗИЛАДИ

Танловда иштирок этиш истагини билдирган шахс бир ой мuddат ичида қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши зарур:

- а) комиссия номига ариза;
- б) паспорт нусхаси;
- в) шахсий варақа (сўровнома);
- г) меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;
- д) нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
- е) малака имтиҳонини топширганлиги ҳақида малака комиссиясининг қароридан кўчирма;
- ж) нотариат ишига бевосита раҳбарлик қилиш билан боғлиқ вазифаларда ишлаб келаётган талабгорларга унинг ишлаб келаётган лавозими ва ўз лавозимига мувофиқ унга юқлатилган вазифалар аниқ кўрсатилган маълумотнома;
- з) охириги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ

ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР ВА ПОЙТАХТИМIZ МЕҲМОНЛАРИ! 2008 йил 15 ноябрдан бошлаб сизларни етакчи цирк артистлари, халқаро фестиваллар совриндорлари иштирокидаги янги дастур намойишида кутамиз. Дастурдан ўргатилган ҳайвонлар: уссури йўлбарслари, кўнғир айқилар, маймунлар, илонлар, итлар, шунингдек, рекордчи эквилибристлар, ҳаво гимнастлари, акробатлар ҳамда қувноқ масхарабозлар гуруҳининг чиқишлари ўрин олган. Томошалар шанба кунлари соат 15.00, якшанбада эса 12.00 ва 15.00 да бошланади. Маълумотлар ҳамда жамоавий буюртмалар бериш учун телефонлар: 244-35-91, 244-32-23, 244-35-94.

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г- 1006

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3282 нусхада босилади. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва сақланган.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмоқсони. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
1 2 6